

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019. Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

НОРҚУЛОВ БАҲОДИР МУСУЛМАНОВИЧ

**СУВ ТАШЛАШ ИНШОТЛАРИДА ОҚИМ ЭНЕРГИЯСИНИ
СЎНДИРИШ УСУЛЛАРИ**

05.09.07 - Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

УЎК: 626-337: 626.83.838(043.3)

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Норкулов Баходир Мусулманович

Сув ташлаш иншоотларида оқим энергиясини сўндириш усуллари 3

Норкулов Баходир Мусулманович

Методы гашения энергии потока водосбросных сооружений..... 23

Norkulov Bakhodir Musulmanovich

Methods of reducing energy of water spillway constructions..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 46

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019. Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

НОРҚУЛОВ БАҲОДИР МУСУЛМАНОВИЧ

**СУВ ТАШЛАШ ИНШОТЛАРИДА ОҚИМ ЭНЕРГИЯСИНИ
СЎНДИРИШ УСУЛЛАРИ**

05.09.07 - Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2021.1. PhD/Т2015-рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiiame.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Базаров Дилшод Райимович,
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эшев Собир Саматович,
техника фанлари доктори, профессор

Гаппаров Фурқат Ахматович,
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент архитектура қурилиш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 рақамли илмий кенгашнинг «11» июнь 2021 йил соат 1400 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел: (+99871)-237-19-61, (+99871) 237-22-09; факс: (+99871) 237-54-79. e-mail: admin@tiiame.uz).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида таништиш мумкин (165 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел: (+99871)-237-19-45.

Диссертация автореферати 2021 йил «25» май кuni тарқатилди.
(2021 йил «25» май даги 165 рақамли реестр баённомаси).



Т.З.Султонов,

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.А.Янгиев,

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

Э.Ж.Махмудов,

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кўплаб гидротехника ва гидроэнергетика иншоотлари ва сув омборларидаги сув ташлаш иншоотларининг бьефлар тутатиш соҳасида сув оқимининг ортикча кинетик энергиясини камайтирувчи энергия сўндиргичларни қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё микёсида сув ташлаш иншоотларида сув оқими энергиясини қисқа масофаларда сўндириш, сув оқими уюрмавий ағдарилиш ҳодисасини олдини олиш самарали энергия сўндиргичларни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан, сув ташлаш иншоотларида сув оқимининг ортикча кинетик энергиясини камайтирувчи самарали воситалар ва қурилмалардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда сув ташлаш иншоотларида сув оқими кинетик энергиясини сўндириш, оқим энергиясини сўндирувчи конструкцияларини танлаш, сув оқимининг уюрмавий ағдарилишини бартараф этиш бўйича илмий асосланган ҳисоблаш услубларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада сув ташлаш иншоотларида оқимнинг критик параметрлари ҳисобий сарфлар динамикасининг нисбий катталикларини аниқлаш, сув ташлаш иншоотларида сув оқимининг кинетик энергиясини сўндириш бўйича иншоотларнинг конструктив ечимларини танлаш, сув оқимининг пастки бьеф иншоотларига гидродинамик зўриқишларини аниқлаш, сув ташлаш ва сув чиқариш иншоотларида бьефлар тутатиши бўйича янги экспериментал тадқиқотлар ўтказиш ҳамда уларни илмий асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сув омборлари сув ташлаш иншоотларида пастки бьефи грунтининг таркиби, тузилишини инобатга олган ҳолда сув оқими энергиясини кичик масофаларда сўндириш, сув оқими уюрмали ағдарилиши олдини олиш учун эксплуатация тадбирларини қўллаш, иншоотнинг ишончлилик даражасини ва ишлаш муддатини ошириш бўйича иншоотнинг энергия сўндиргичлари такомиллаштирилган конструкцияларини ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун мелиорация ва ирригация объектларини ривожлантириш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, ирригация ва қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг барча соҳаларини сув билан барқарор ва ишончли таъминлаш мақсадида, сув хўжалиги ирригацияни ривожлантириш, сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни инобатга олиб, сув ташлаш иншоотларида энергия

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони

сўндиргичлари такомиллаштирилган конструкцияларини яратиш муҳим аҳамият касб этмокда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сон «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сув ташлаш иншоотининг пастки бьефидаги сув оқими характеристикаси ва гидравлик параметрлари талабларини бажарилишидан келиб чиққан ҳолда энергия сўндиргичларнинг кўриниши, ўлчамлари ва жойлаштирилиш вазиятлари гидротехника ва гидроэнергетика иншоотлари амалиётида экспериментал тадқиқотлар усули билан аниқланади. Бу усуллар И.И.Леви, А.А.Угинчус, М.Д.Чертоусов, А.Н.Раҳманов, Ф.Г.Гунько, Н.П.Розанов, С.М.Слисский, Н.Н.Беляшевский, Н.Г.Пивовар, Н.И.Калантыренко, И.И.Кондратьев, В.М.Лятхер, Н.Т.Кавешников, Э.Н.Кавешников, В.Г.Иванов, А.М.Прудовский, Рэнд, Харлиман, Л.А.Машкович, Г.И.Шишорина, М.Р.Бакиев, Д.Р.Базаров, А.А.Янгиев, Б.М.Обидов, С.К.Хидиров ва бошқаларнинг ишларида ўрганилган.

Кўпчилик тадқиқотчилар Д.И.Кумин, Н.Н.Беляшевский, Н.Г.Пивовар, И.И.Кондратьев, Д.Р.Базаров, А.А.Янгиев ва бошқалар таъкидлашича, энергия сўндиргичларининг кўриниши, ўлчамлари ва жойлаштириш ҳолати унинг қаршилиқ реакциясига мослаб аниқланиши, яъни гидравлик сакрашнинг иккинчи туташ чуқурлигининг зарар қийматини олиш учун сув оқими энергиясини сўндиришда конструктив ечимларини яратиш албатта зарурдир.

Ҳозирги вақтда сув ташлаш иншоотларида сув оқими энергиясини сўндиришнинг турли хил вариантларини қўллаш ҳамда энг мукамал конструкциясини танлаш учун экспериментал моделни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётда қўллаш масалаларини ҳал қилиш муаммолари етарли даражада ўрганилмаган. Шу сабабли, сув ташлаш иншоотларида сув оқими энергиясини қисқа масофаларда сўндириш, сув оқими ағдарилишини олдини олишини инobatга олган ҳолда иншоотнинг ўзида турлича энергия сўндиргичларнинг конструктив ечимларини қўллаган ҳолда гидравлик жараёнларни ўрганиш ва муҳандислик амалиётида ишлаб чиқиш зарурияти пайдо бўлади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий тадқиқот ишлари режасининг 17/2017-сонли «Сув омборларининг пастки бьефидаги ўзан жараёнларини олдини олиш бўйича тавсиялар» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сув ташлаш иншоотларида сув оқими энергиясини сўндириш усуллари ва иншоот мустаҳкамлиги учун конструктив элементларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сув ташлаш иншоотларида сув оқимининг уюрмавий ағдарилишининг бартараф қилиш бўйича энергия сўндиргичлар жойлашишини экспериментал тадқиқотлар асосида асослаш;

сув ташлаш иншооти деворларининг ўлчамлари ва жойлашишига асосан сув оқими ортиқча кинетик энергиясини бьефлар туташиши соҳасигача ва шу соҳадаги сўндириш усуллариини такомиллаштириш;

сув оқими учун Фруд сони ва оқимнинг кинетик параметри, ҳисобий сарфлари динамикаси қонуниятларини инобатга олиб, оқимнинг гидравлик режимини баҳолаш;

сув сарфларининг турли қийматлари учун гидравлик параметрлар ва оқим ҳолати динамикасининг қонуниятларини экспериментал тадқиқотлар асосида такомиллаштириш;

сув ташлаш иншоотининг конструктив элементлари учун ҳисобий нисбий катталиклари қийматларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қоратепа сув омбори сув ташлаш иншооти ва уларда жойлашган энергия сўндиргичлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини сув ташлаш иншоотларида жойлашган энергия сўндиргичлар, сув оқимининг энергиясини сўндириш ва сув ташлаш иншоотларининг бьефлар туташиши ҳамда мустаҳкамлаш ҳудудининг узунлиги ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида экспериментал, дала кузатувлари усуллари, ҳамда гидравликада қабул қилинган қонуниятлар ва гидромеханика қонуниятлари асосида физик моделларни яратиш ҳамда улар ёрдамида илмий тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сув ташлаш иншоотида энергия сўндиргичларнинг жойлашиш схемалари оқим ағдарилишини бартараф қилиш шартини инобатга олиб ишлаб чиқилган;

сув ташлаш иншооти пастки бьефида оқимнинг гидравлик режимлари сув сарфларининг ўзгариши асосида баҳоланган;

сув ташлаш иншоотлари узунлиги бўйича оқимнинг самарали гидравлик режими затворларни манёврлаш асосида ишлаб чиқилган;

оқим кинетик энергиясини қисқа масофаларда сўндириш усули энергия сўндиргичларнинг жойлашиш схемалари асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

назарий, экспериментал ва дала кузатувлари тадқиқотлари натижалари сув ташлаш иншоотида бьефлар туташishi соҳасида оқимнинг ағдарилишини бартараф қилиш шартини инобатга олиб, энергия сўндиргичларнинг жойлашиш схемаларини танлаш ҳамда затворларни манёврлаш орқали оқимнинг самарали гидравлик режими ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижалари Самарқанд вилояти Зарафшон магистрал тизимларидан фойдаланиш бошқармасига қарашли Оқдарё ва Қоратепа сув омборлари сув ташлаш иншоотларида энергия сўндиргичларни жойлаштириш схемалари ва конструктив ечимларини инобатга олиб, оқим динамикасини баҳолаш асосида илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги умумий қабул қилинган тадқиқот усулларида ҳамда олинган назарий натижаларнинг амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажриба натижалари мазкур тадқиқот йўналишидаги бошқа муаллифлар олган натижалари билан таққосланганлиги ва тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти паст ва ўрта напорли сув омборлари сув ташлаш иншоотларининг мустаҳкамланиш соҳасида оқим кинетик энергиясини қисқа масофаларда сўндириш усули, сув оқимининг энергия сўндиргичларга реактив таъсири ва сув ташлаш иншоотлари узунлиги бўйича ишлаб чиқилган оқимнинг самарали гидравлик режимини аниқлаш орқали сув ташлаш ва сув чиқариш иншоотлар қурилиши ва уларнинг ишлаш ишончлилигини ошириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти паст ва ўрта напорли сув омборларининг сув ташлаш иншооти пастки бьефига оқимнинг кинетик энергиясини сўндириш ҳамда иншоотнинг мустаҳкамланиш соҳаси узунлиги, энергия сўндиргичлар конструктив элементларининг рационал ўлчамлари ва оралиқ масофаларини аниқлаш, сув оқимининг гидравлик сакраш ҳаракати масофаси қисқалигини таъминлаш, оқим ағдарилишини олдини олиш ва қурилиш харажатларини камайтириш билан иқтисодий самарадорликка эришилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сув ташлаш иншоотларида оқим энергиясини сўндириш усуллари бўйича олинган натижалар асосида:

турли сув сарфлари учун оқимнинг гидравлик режимлари оқимнинг ҳолати динамикасини аниқлаш усули Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Зарафшон магистрал тизимларидан фойдаланиш бошқармасига қарашли Оқдарё сув омборида жорий қилинган. (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 23 октябрдаги 04/20-3108-сон маълумотномаси). Натижада, бьефлар туташishiда пастки бьефда ювилиш жараёнининг олдини олиш имконияти яратилган;

сув ташлаш иншоотида оқимнинг ағдарилишини бартараф қилиш усули Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Самарқанд вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармасига қарашли Қоратепа сув омборида жорий қилинган. (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 23 октябрдаги 04/20-3108-сон маълумотномаси). Натижада, энергия сўндиргичларнинг жойлашиш схемалари – сув ташлаш иншоотларининг пастки бьефидаги мустаҳкамлаш иншоотлари конструкцияларини лойиҳалаштиришда фойдаланиш имконияти яратилган;

сув ташлаш иншоотларидаги энергия сўндиргичларнинг самарали конструктив ечимлари Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Самарқанд вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармасига қарашли Қоратепа сув омборида жорий қилинган. (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 23 октябрдаги 04/20-3108-сон маълумотномаси). Натижада, сув ташлаш иншоотларининг сув урилма қудуғига бўлган соҳасида сув оқими ортиқча кинетик энергиясини қисқа масофаларда сўндириш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий-техник, шу жумладан 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича 18 та илмий мақола чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий журналларда 14 та, жумладан 10 та республика ва 4 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 саҳифа ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида Ўзбекистон Республикасида ва жаҳонда ўтказилган илмий тадқиқот ишлари асосида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланди. Ишнинг мақсади, вазифалари, тадқиқот объектлари ва предметлари ифодаланди. Тадқиқот ишларининг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқот ишининг илмий янгилиги ва амалий натижалари очиб берилди. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланди. Илмий ва амалий аҳамияти ёритилди. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси, чоп этилган мақолалар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилди.

Диссертациянинг **«Сув ташлаш иншоотларининг пастки бьефларидаги сув оқими ҳаракатининг гидравлик шароитлари хусусиятлари»** деб номланган биринчи бобида хорижий ва Республикамиздаги сув ташлаш иншоотларидаги бьефлар туташishi худудида сув урилма қудуқлари ва мустаҳкамлаш худудларининг гидравлик

хисоблаш, лойихалаштириш ва конструкцияларини яратиш методикалари ишлаб чиқилган. Сув ташлаш иншоотининг пастки бьефидаги сув оқими характеристикаси ва гидравлик параметрлари талабларини бажарилишидан келиб чиққан ҳолда энергия сўндиргичнинг кўриниши, ўлчамлари ва жойлаштирилиши вазиятлари гидротехника ва гидроэнергетика иншоотлари амалиётида экспериментал илмий тадқиқотлар усуллари таҳлили келтирилди. Бу методлар И.И.Леви, А.А.Угинчус, М.Д.Чертоусов, А.Н.Рахманов, Ф.Г.Гуенько, Н.П.Розанов, С.М.Слиссский, Н.Н.Беляшевский, Н.Г.Пивовар, Н.И.Калантыренко, И.И.Кондратьев, В.М.Лятхер, Н.Т.Кавешников, Э.Н.Кавешников, В.Г.Иванов, А.М.Прудовский, Рэнд, Харлиман, Л.А.Машкович, Г.И.Шишорина, М.Р.Бакиев, Д.Р.Базаров, А.А.Янгиев, Б.М.Обидов, С.К.Хидиров ва бошқа бир қанча олимлар томонидан қўлланилган. Таъкидлаш лозимки, бу тадқиқотларнинг аксарияти сув урилма қудуғи ва деворида ўрнатилган энергия сўндиргичларнинг тадқиқотига қаратилган бўлиб, шу вазиятлар учун тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган. Лекин, энергия сўндиргичларнинг оқимга реактив таъсирига мўлжалланган услублар ҳам яратилган. Бунда сув оқими энергияси сўндиргичнини кўриниши, ўлчамлари ва жойлаштирилиш вазиятлари, унинг керакли реакциясига мослаб аниқланган, яъни гидравлик сакрашнинг иккинчи туташ чуқурлиги учун зарур катталигини олиш асосий мақсад сифатида қаралган.

Ҳозирги даврда гидротехника амалиётида сув ташлаш иншоотлари пастки бьефларидаги оқим энергиясини сўндиргичлари жуда кўплаб кўринишлари ишлаб чиқилган бўлиб, уларни хисоблаш усуллари, жойлаштириш схемалари таклиф қилинган бўлсада, уларнинг кўпчилиги сув оқимининг текис ҳаракатдаги режимлари ҳолати учун қўрилган. Шу сабабли, ушбу йўналишда сув оқими энергия сўндиргичларини унумли ишлайдиган шакллари ишлаб чиқиш, мавжудларини фазовий сув оқимлари шароитларида тадқиқот қилиш, оқимнинг кинематик ва динамикаси структураси ва гидравлик режимларини баҳолаш, унинг энергия сўндиргичга, сув урилма қудуғи ва рисберма иншоотлари плиталарига сув оқимини гидродинамик таъсирини баҳолаш бўйича экспериментал илмий тадқиқотлар ўтказиш масаласи ўз долзарблигини кўрсатди.

Шу билан бирга сув ташлаш иншоотларида сув оқимини ҳаракатида уюрмавий оқимлар, оқимнинг ағдарилишига умуман йўл қуймаслик, сув қўйилиш fronti бўйлаб оқимнинг текис тақсимланиши учун сув ташлаш иншооти бўлимларининг кириш қисмидаги ҳаракатланувчи затворларни манёврлаш схемасини тўғри танланиши керак. Кўп бўлимли гидроузелларда ҳар бир бўлим учун затворларни кўтарилиши баландлигини ва уларнинг сув ўтказиш қобилиятини аниқлаш учун уларни ишчи графикларини тузиш керак. Берилган умумий сарф текис тақсимланган ҳолда барча бўлимдан ташланишини ташкил қилиниши лозим булади. Сув ташлаш иншоотларида рисбермагача сувнинг кинетик энергиясини сўндиришда энергия сўндиргичларнинг турли хил конструктив шакллари ишлаб чиқилган. Сув ташлаш иншоотларида сув оқими энергиясини сўндириш учун таклиф

қилинаётган сўндириш қурилмалари конструкцияларини экспериментал ва дала тадқиқотлари орқали асослаш илмий ишнинг асосий мақсадини белгилайди. Бажарилган таҳлилларга асосланиб, диссертация ишининг асосий мақсади ва вазифалари шакллантирилди.

Диссертация ишининг иккинчи боби «Сув ташлаш иншоотларида оқим ҳаракатини тадқиқот қилиш методикаси» деб номланиб, сув ташлаш иншоотларида сув оқимида гидравлик жараёнларини ифодаловчи гидравлик моделлаштиришга бағишланган.

Сув ташлаш иншоотлари пастки бьефларида бьефлар туташишини гидравлик моделлаштиришни амалга ошириш учун асосан гравитация кучлари нисбати, яъни оғирлик кучи ҳаракатни амалга оширишдаги асосий куч сифатида қабул қилинди. Бу ҳолатни Фруд сони ифодалайди. Фруд сони ўхшашлигига эришиш учун:

$$Fr_H \text{ ва } Fr_M = idem, \quad (1)$$

$$Fr_H = \frac{v^2}{gh_{\text{ўр}}} \quad (2)$$

бунда: Fr_H ва Fr_M – мос равишда натура ва моделда иншоотлар учун Фруд сони; v – оқимнинг ўртача тезлиги, $g=9,81 \text{ м/с}^2$ – бирлик массага нисбатан оғирлик кучи; $h_{\text{ўр}}$ – қаралаётган соҳадаги сув оқимининг ўртача чуқурлиги.

Сув ташлаш иншоотлари бьефлари туташиш соҳасида сув оқими динамикасини ўрганиш учун экспериментал тадқиқотлар ўхшашлик қонунлари Рейнольдс сони қуйидагича ёзилади;

$$Re_H \text{ ва } Re_M = idem \quad (3)$$

$$Re_M > Re_{\text{чег}} \quad (4)$$

бунда: Re_H ва Re_M – натура ва моделда оқаётган сув оқими учун Рейнольдс сони, $Re_{\text{чег}}$ – чегаравий Рейнольдс сони.

Сув ташлаш иншоотларида сувнинг оқиб ўтишини физик моделлаштиришда Фруд сони шартларини бажарилиши таъминланишига ва модел қурилмасининг натура билан ўхшашлик қонунларини таъминлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

$$Re = \frac{v \cdot l}{\nu} \quad (5)$$

бунда: l – очик ўзанда ҳаракатланаётган оқимнинг характерловчи чизиқли ўлчами; v – Фруд сони қиймати аниқланадиган нуқтадаги оқим ўртача тезлиги; ν – кинематик ёпишқоқлик коэффициенти, $\text{м}^2/\text{с}$;

Рейнольдс сони ўхшашлигини таъминлашда автомоделлик таъминланиши керак. Таъкидлаш лозимки, автомоделлик шароити сув ташлаш иншоотларидаги кескин ўзгарувчан режимда оқимнинг юқори турбулент режимига тўғри келади.

Моделлар лойиҳалаштирилиши ва тажрибалар натижаларини реал объект учун қайта ҳисобловчи ўхшашлик қонунлари бажарилиши учун ўхшаш жараёнлар аналог кўринишдаги дифференциал тенгламалар билан ифодаланиш, шу билан биргаликда каналнинг геометрик ўлчамларини, чегаравий ва бошланғич шартларни, реал объект ва моделда ҳаракатланувчи

сув оқимининг физик хоссаларини таркибига олувчи бир хиллилик шarti бажарилиши кераклиги асосланди.

Ишқаланиш кучини моделлаштиришда оқим чегарасидаги қаршиликлар бир хиллигини таъминлайдиган Рейнольдс сони ҳам реал объект ва моделда бир хил қийматга эга бўлиши керак. Оқим ҳаракатига қаршилиқ кучининг ҳар қандай ўзгариш текис ҳаракатни ўзгартириб юборади ва Рейнольдс сонининг чегаравий қийматини ($Re_{чег}$) текис ҳаракатдагига нисбатан ўзгартиради. Бу соҳаларда гидравлик қаршилиқ ҳам динамикага эга бўлишлигини инобатга олсак, маҳаллий қаршиликлар пайдо бўлиб, Рейнольдс сонининг чегаравий қиймати $Re_{чег} = 50\ 000 \div 120\ 000$ ни ташкил этади.

Экспериментал моделда тадқиқотлар ўтказишда ишончли натижалар олинишини таъминлаш учун автомоделлик шarti сақланиб, Рейнольдс сони гидравлик қаршилиқка таъсир кўрсатмайди ёки таъсири сезиларсиз даражада кам бўлади.

Сув ташлаш иншоотидаги гидравлик жараёнларни физик моделлаштиришда бир вақтни ўзида Фруд сони ва Рейнольдс сонини шartлари бажарилиши учун юқоридаги шartларга асосланиб, қуйидагиларини бажарилишига эришиш керак:

$$M_L = \left(\frac{v_H}{v_M} \right)^{\frac{2}{3}} \quad (6)$$

Лекин, бу анча мураккаб масала, шу сабабли бу шart амалий методик аҳамият касб этади. Бундан ташқари, Д.И.Кумин тадқиқотлари натижалари эътирофида, жараённи моделлаштиришда экспериментларда қуйидаги шartлари сақланиб қолиниши керак:

$$Fr_M = Fr_H = idem \quad (7)$$

$$Re_M = Re_H = idem \quad (8)$$

$$Re_M > Re_{чег} \quad (9)$$

Ушбу шartни бажарилишини таъминлашда, унинг модель параметрлари билан қуйидаги кўринишда боғлиқлигини кўрсатиш мумкин:

$$Re_{чег} = \frac{84 \cdot R_M}{\sqrt{\lambda_M} \cdot \Delta_M} \quad (10)$$

Моделлаштиришда қуйидаги формуладан фойдаланилди:


$$M_{l\ min} = \sqrt[3]{\left(\frac{Re_{чег} \cdot v}{q_H} \right)^2} \quad (11)$$

Рейнольдс сонининг чегаравий қиймати $Re_{чег}$ моделлаштиришда 50000 дан катта қабул қилинади; q_H - натурадаги сув ташлаш иншоотидан оқиб ўтаётган солиштирма оқим сарфи.


Таклиф этилган формулага асосан 1:60 масштаб қабул қилиш сув ташлаш иншоотларини моделлаштириш етарли натижа бериши эътироф этилган бўлиб, сарф коэффициентининг турли қийматлари учун махсус функционал боғлиқлик графиклари курилди.

Диссертация ишининг учинчи боби «Сув ўтказгичлари турли конструкцияларда сув ташлаш иншоотларининг эксплуатацияси режимлари ва оқимнинг гидравлик структурасини тадқиқ қилиш» деб номланиб, сув оқимининг гидравлик структураси ва режимларини ўрганиш бўйича экспериментал тадқиқотлар ўтказилди.

Оқимнинг гидравлик структурасини тадқиқ қилиш жараёнида сиртки кўринишдаги гидравлик сакраш амалга ошадиган бьефлар туташishi конструктив элементлари ва шакллари гидравлик режимларининг таҳлили қилиниб, экспериментал тадқиқотлар учун кўп бўлимли амалий профили сув ўтказгичга эга сув ташлаш иншоотлари танланди (1, 2-расмлар). ЭТ-1 (экспериментал тадқиқот) деб номланган иншоотда (1-расм) турли сув сарфларида сув оқимининг гидравлик параметрлари ва оқимнинг ҳолати динамикаси тадқиқот қилинди.



1-расм. ЭТ-1 серия экспериментал тадқиқотлари олиб борилдиган сув ташлаш иншооти



2-расм. ЭТ-2 серия экспериментал тадқиқотлари олиб борилдиган сув ташлаш иншооти

ЭТ-2 серия тадқиқотларда сув оқими ҳаракатида девор бурун кўринишдаги тўсиқлар билан энергия сўндирилиши сув ташлаш иншооти бўйлаб амалга оширилиб борилди. Бунда тўсиқ деворларнинг ўлчами ва жойлашишига боғлиқ ҳолатда сув оқимининг қисқа каналдаги ҳаракатланиш динамикаси ва ортиқча кинетик энергиянинг бьефлар туташishi соҳасига ва соҳадаги сўниши динамикаси тадқиқот қилинди (2-расм).


Тадқиқотларни олиб боришда конструктив элементлар ўлчамларини белгилашда шу йўналишдаги дала, лаборатория ва назарий тадқиқотлар олиб борган олимлар ишлари таҳлил қилинди. Эътироф этилган тадқиқотларнинг батафсил таҳлили иншоот сўнги соҳасидаги тўсиқ девор солиштирма баландлигини $c/h = 0,67$ ёки $c/P = 0,31$ қилиб белгилаш имкониятини берди, бунда: c – тўсиқ девор баландлиги; h – оқимнинг критик чуқурлиги; P – пастки бьефдаги сува баландлиги.

Сув ташлаш иншоотининг пастки бьефдаги туташishi соҳаси кўриниши куйидаги схемаларга асосан қабул қилинди.

Барча вариант тадқиқотларида ҳисобий сарфнинг турли қийматларида оқим кинематик структураси ва ҳаракат режимларининг ўзгариш диапазонлари ўрганилди. Тадқиқотлар давомида гидравлик сакрашнинг сиртки кўринишидаги бьефлар туташishi пастки бьеф томонидан ростланиш орқали эмас, балки иншоотнинг реал эксплуатация шароитида шаклланиши

таъминланди. Бунда асосан, Фруд сони ва оқимнинг кинетиклик параметрлари динамикаси ҳисобий сарфлар динамикаси, конструктив элементлар ҳисобий солиштирма катталикларига асосан тадқиқотлар йўналиши аниқланди.

Таққосланадиган вариантлар бўйича тадқиқотларда ҳисобий сарфлар диапазони, оқим ҳаракат режимини характерловчи параметрлар ва оқимнинг гидравлик параметрлари пастки бьефда ҳам ўлчаниши тўлақонли амалга оширилди. Олиб борилган тадқиқотларда створларда вертикал тезликлар доимо ўлчаб борилди. Гидрометрик ўлчовлар билан биргаликда визуал, фото ва видео кузатувлар амалга оширилди. Тадқиқотлар олиб боришда ҳар бир затворларнинг устки қисмига зичлиги сув зичлиги билан бир хил бўлган ранглардан фойдаланиб, оқим кинематик структурасини ўзгариши батафсил кузатилди. Олиб борилган тадқиқотларда оқимнинг трансформацияланиши фото ва видео лавҳаларда кузатилди (3-расм).



3-расм. Экспериментал моделдан олинган фотолавҳалар оқимнинг ҳаракати кўринишлари

Олиб борилган экспериментал тадқиқотларда сув ташлаш иншоотларидан тушаётган оқимнинг қуйидаги параметрлари тадқиқот қилинди:

- сув ташлаш иншооти сарфи $Q = 3,9 \div 18,6$ л/с;
- оқимнинг ўртача тезлиги $v = 15 \div 150$ см/с;
- пастки бьефдаги ўртача чуқурликлар $h = 8 \div 21$ см.

Бу режимларнинг солиштирма ўзгариши диапазони қуйидаги кўринишда қабул қилинди:

- солиштирма сарф $K_Q = Q/Q_x = 0,06 \div 0,95$ бунда Q ва Q_x – иншоотдан ўтаётган ва ҳисобий сарфлар;

- сув қуйилиш фронтининг ишлатилиш коэффиценти $\beta = b/B$ $0,35 \div 0,836$ бунда: b – ишлаётган бўлимлар кенглиги, B – пастки бьеф кенглиги;

- $Fr = \frac{v^2}{gh_{\text{ўр}}}$ – Фруд сони бўлиб, сиқилган кесим учун $Fr = 2 \div 11$.

Белгилаб олинган оқим параметрлари диапазони тадқиқотларда аниқланган қонуниятларнинг қўлланилиш чегараларини аниқлаш имкониятини берди.

Дастлаб, танланган вариантларда таққосланаётган конструкцияларда

ҳаракатланаётган оқим гидравлик режимларини таҳлил қилдик. Сув ташлаш иншоотидан сув сарфининг ўтиши, оқим чуқурлиги ва ўртача тезлигини ўзгариб бориши тартибида ўтказилган тадқиқотлар кейинчалик жараёнинг физик табиатини фазовий муҳитда тафсифлаш имкониятини берди.

Эксплуатация натижаларидан маълумки, сув ташлаш иншоотлари затворларининг манёврлашда носимметрик тарзда оқимнинг тақсимланиши, унинг ағдарилиши, сув айланмаларнинг шаклланиши ва пастки бьефдаги ўзаннинг пландаги ва чуқурлик деформациялари рўй беришига олиб келади. Шу сабабли, эксплуатация жараёнида солиштирма сарфнинг симметрик тарзда тақсимланиш ҳолатига олиб келувчи манёврлаш схемалари кенг қўлланилади. Диссертация ишида бу вазият инобатга олиниб, симметрик тарздаги манёврлаш жараёнидаги оқимнинг гидравлик режимлари тадқиқот қилинди. Юқоридагиларни инобатга олиб, сув ташлаш иншоотларида сув симметрик оқиб чиқиши кенг қўлланиладиган манёврлаш схемаларининг 10 та кўриниши қабул қилинди (1-жадвал).


Сув ташлаш иншоотлари затворларининг маневрлаш схемалари

2-жадвал


| № | Сув сарфи $Q, л/с$ | Солиштирма сарф, K_Q | Сув қуйилиш фронти- нинг фойдаланилиш коэффициенти, β | Очиқ бўлимлар тартиб рақами |
|----|-----------------------|---------------------------|---|--------------------------------|
| 1 | 3,90 | 0,06 | 0.35 | 2, 4 |
| 2 | 6,90 | 0,185 | 0.35 | 3 |
| 3 | 10,07 | 0,296 | 0.47 | 1, 3, 5 |
| 4 | 11,60 | 0,42 | 0.47 | 2, 4 |
| 5 | 13,87 | 0,53 | 0.583 | 2, 4 |
| 6 | 14,39 | 0,67 | 0.583 | 2,3,4 ва 1,5 ($a=0,3H$) |
| 7 | 15,15 | 0,74 | 0.817 | 2,3,4 ва 1,5 ($a=0,5H$) |
| 8 | 17,42 | 0,878 | 0.7 | 1,2,3,4 |
| 9 | 18,16 | 0,93 | 0.817 | 2,3,4 ва 1,5 ($a=0,5H$) |
| 10 | 18,60 | 0,95 | 0.836 | 1,2,3,4,5 |

Турли вариантларда барпо этилган сув ташлаш иншооти пастки бьефидаги оқимнинг гидродинамик структураси функционал боғлиқликлар кўринишида таҳлил қилинди. Турли хил сув сарфларида ўзан туби бўйлаб оқим тезлиги тақсимланишининг эпюраси тадқиқ қилинган вариантлар учун гидравлик режимлар қонуниятларини аниқлаш имкониятини берди. Экспериментал тадқиқотлар натижасида сув сарфларининг турли қийматлари

учун ўзан туби ва оқим сиртининг сиқилиш тезлигига нисбатлари, яъни $\frac{v_{ў.т.}}{v_{сиқ}}$, $\frac{v_{сирт}}{v_{сиқ}}$ ва сув қуйилиш фронтининг фойдаланилиш коэффициенти $\beta = b/B$ графиклари қурилди (4, 5 расмлар).




4-расм. Оқимнинг нисбий тезлиги ва сув қуйилиш фронтининг фойдаланилиш коэффициентининг боғланиш графиги




5-расм. Оқимнинг нисбий тезлиги ва солиштирма сарф коэффициентининг боғланиш графиги

Сув оқими солиштирма сарфлар нисбати – $\frac{q_i}{q_x}$, (бунда q_x – ҳисобий солиштирма сарф), $\frac{q_i}{q_{с.ў.}}$, (бунда $q_{с.ў.}$ – сув ўтказгич қиррасидан ўтаётган солиштирма сарф) эпюралари таҳлили иншоотнинг пастки бьефининг мустаҳкамланиш соҳаси кенглиги бўйлаб солиштирма сарфлар тақсимланиши қонуниятини ва узунлик бўйича катталигини аниқлаш имкониятини берди (6, 7 расмлар).



6-расм. Риберма ва сув урилмадаги оқимнинг солиштирма нисбий сарфларга боғлиқлик графиги




7-расм. Солиштирма сарфнинг сув қуйилиш фронтдан фойдаланилиш коэффициентига боғлиқлик графиги

Бу таҳлиллар сув ташлаш иншоотидан тушаётган сарф ошганда ва сув қуйилиш фронтининг фойдаланиш коэффициентининг қиймати бирга яқинлашганда сарф ва тезлик тақсимланишининг бир текислиги характери ва оқимнинг бир маромда ёйилиши даражаси ва унинг гидравлик структураси яхшиланди. Ишлаётган бўлимлар сони албатта, пастки бьеф кенглигига боғлиқ. Сув ташлаш иншоотидан ўтказилган сув сарфининг барча қийматларида иккинчи вариантдаги максимал оқим тезликлари биринчи тадқиқот қилинган вариантга нисбатан 5 ÷ 48% кўп бўлишини кўрсатди.

Таҳлил натижалари иккинчи вариантда оқимнинг кинематик структурасида ўзгариш рўй бериб ҳисобий сарфлар диапазонида транзит оқимнинг ўзан туби бўйлаб максимал тезликлари сув урилма қудуғида

тескари йўналган оқим ҳаракати чизиқлари тезлигидан $41 \div 86\%$ га, рисбермадаги $50 \div 76\%$ га юқори бўлди. Рисбермада транзит оқимнинг ўзан туби бўйлаб максимал ҳаракатланиш тезлиги биринчи тадқиқот вариантыда $7 \div 76\%$, иккинчи тадқиқот вариантыда $5 \div 83\%$ га камайди. Шу билан биргаликда тезликнинг камайиши билан рисберма соҳасида оқим сирти ва ўзан туби бўйлаб тезликлар эпюраларининг тенглашганлиги кузатилди. Шунингдек, эпюраларнинг шаклланиши табиий ҳолатдаги кўринишга яқинлашиши сув ташлаш иншоотининг бутун кенглиги бўйлаб сув ташланганда кузатилди.

Юқорида эътироф этилганидек, сув урилма қудуғи соҳасида биринчи вариант тадқиқотларида ўзан туби бўйлаб тезликнинг $5 \div 84\%$ га ошиши, иккинчи вариант тадқиқотларида $28 \div 84\%$ ошиши қайд этилди (8-расм). Биринчи вариант тадқиқотларида оқим тезлигининг вертикалдаги ҳолатини таҳлили сиртдаги тезликнинг ўзан туби соҳасидаги оқим тезлигидан $4 \div 54\%$ гача катта бўлганлиги кузатилди. Иккинчи вариант тадқиқотларида ўзан туби бўйлаб ёки ўзан сирт бўйлаб ва сиртки комбинациялашган гидравлик сакраш кўринишидаги бьефлар тутатиши режими тўсиқдан ошиб тушган оқим билан қўшилиб, ўзан туби режимида ҳаракатини давом эттириши билан изоҳланиши мумкин.




8-расм. Тадқиқот вариантларида ўзан туби бўйлаб ҳаракатланаётган оқимчанинг тезлик эпюралари биринчи вариантда сарф $Q = 18,16$ л/с, иккинчи вариантда сарф $Q = 18,60$ л/с

Бу тадқиқотларда ўзан туби бўйлаб оқимнинг тезлиги сиртдаги тезлигига нисбатан $3 \div 17\%$ юқори бўлди. Иккинчи вариант тадқиқотларида эса бу кўрсаткич $2 \div 22\%$ ташкил этди. Вертикал бўйлаб тезликнинг тақсимланишида сиртки тутатишида ўзан ости бўйлаб тезлик катталигидан $13 \div 23\%$ га катта бўлган. Рисберма соҳасида вертикал бўйича тезлик тақсимланишида оқимнинг ўзан бўйлаб тезлиги катталиги ёки камайди, ёки сиртки кўринишдаги каби трансформацияланди.

Нисбий солиштирма сарфлар таҳлили олдинги тадқиқотлар натижасини тасдиқлади. Таъкидлаш лозимки, биринчи вариант тадқиқотларида солиштирма сарфнинг максимал қиймати рисбермада сув урилма қудуғидагига нисбатан $1,5 \div 40\%$, иккинчи вариант тадқиқотларида $2 \div 30\%$ га

камайиши кузатилди. Нисбий солиштирма сарфлар эпюраларининг таҳлили биринчи вариант тадқиқотларида мос равишда сув урилма кудуғи ва рисберма соҳаларида 19÷85% ва 49÷89% га ошган бўлса, иккинчи вариант тадқиқотларида сув урилма кудуғида 7÷84% га ва рисбермада 52÷74% ораликда ошди.

Оқим сарфининг ҳар-хил қийматлари ва бўлимларнинг турли даражадаги (биринчи вариант тадқиқотлари учун $K_Q=0,64$ ва иккинчи вариант тадқиқотлари учун $K_Q=0,8$) очилганликлари ҳолати учун ўтказилган тадқиқотлар натижасида оқимнинг гидравлик параметрлари ва динамикаси характери ҳақида маълумот олиш имкониятига эга бўлдик (9-расм). Бунда биринчи тадқиқотларда солиштирма сарф $K_Q=0,64$ гача оширилганда ва иккинчи вариантда бу кўрсаткич $K_Q=0,8$ гача кўтарилганда рисбермада ўзан сирти бўйлаб оқим ҳаракатида тезлик босқичма–босқич ошиб борган бўлса, сув урилма кудуғи соҳасида кескин ўзгариши кузатилди. Сарфни янада оширилишида ҳар иккала вариант тадқиқотларида бу соҳадаги тезлик камайиб, $K_Q=0,93÷0,95$ бўлганда иккинчи вариант тадқиқотларида ўзан туби бўйлаб оқимнинг ҳаракатланиши тезлиги жадал камайиши кузатилди.



9-расм. Нисбий солиштирма сарфларнинг эпюралари, биринчи вариантда $Q=18,16$ л/с, иккинчи вариантда $Q=18,6$ л/с


Кўп бўлимли сув ташлаш иншоотларида ҳамма бўлимлар очик кўринишида сув ташлаш амалга оширилганда бутун сув қўйилиш fronti кенглиги бўйлаб сув оқими ҳаракатланиб, тезлик ва сарф тақсимланиши бир маромда амалга ошиши тадқиқотлар натижалари билан асосланди. Бешта бўлимлар симметрик тарзда ишлатилганда ҳам шундай натижа кузатилди. Албатта, бошқа схемаларга асосан иншоот ишлатилганда пастки бьефда сув оқимнинг уярмавий ағдарилишини бартараф қиладиган ва бутун ўзан кенглиги бўйлаб оқимнинг текис тақсимланишини таъминлайдиган қўшимча конструктив элементларни (ёйувчи элементлар, пирслар, шашкалар, зигзаксимон ва бошқалар) ўрнатилиши таъминлаш лозим.

Тадқиқотларда қабул қилинган сарф қийматлари учун бьефлар тутатиши сиртки, ўзан туби бўйлаб кўринишда ёки ҳар иккаласининг комбинациялашган кўринишида иншоот пастки бьефининг мустаҳкамланган


соҳасида амалга ошди. Иккинчи вариант тадқиқотларида ўзан тубига яқин соҳадаги тезликнинг тақсимланиши эпюрасининг кичиклашиши кўринишда амалга ошган бўлса, вертикал бўйича тезлик эпюраси деярли ўзгармасдан қолди.

Диссертациянинг «Сув ташлаш иншоотлари пастки бьефида оқимнинг кинематик структураси хусусиятлари тадқиқоти натижаларининг таҳлили» деб номланган тўртинчи бобда сув ташлаш иншоотларидаги энергия сўндиргичларнинг самарали конструктив ечимлар асосида оқим кинетик энергиясини қисқа масофаларда сўндириш усули тадқиқ қилинди.

Сув ташлаш иншоотлари пастки бьефида оқимнинг кинематик структураси хусусиятлари бўйича тадқиқот натижаларининг таҳлили ўзан туби бўйлаб ҳаракатланаётган оқимнинг тезликка боғлиқ равишда Фруд сонини сув ташлаш иншоотида энергия сўндиргичлари мавжуд бўлмаган ҳолатдаги гидравлик сакрашларнинг кўринишлари учун Фруд сони аниқланди ва графиклари келтирилди (10-12 расмлар).




10-расм. $Q_m = 18,16$ л/с бўлганда сув ташлаш қисмидаги энергия сўндиричлар мавжуд бўлмаган ҳолат




11-расм. $Q_m = 18,6$ л/с бўлганда сув ташлаш қисмидаги энергия сўндиричлар мавжуд бўлмаган ҳолат

Сув ташлаш иншоотида ҳаракатланаётган оқимнинг сув сарфи $Q_m = 18,16$ л/с бўлганда сув ташлаш қисмидаги энергия сўндиричлар мавжуд бўлмаган ҳолатда аниқланган Фруд сонинг қиймати $Fr = 0,5 \div 8,15$ тенг бўлиб, доимий гидравлик сакраш рўй берди (10-расм). 11-расмда эса $Q_m = 18,6$ л/с сув сарфида сув ташлаш қисмидаги энергия сўндиричлар мавжуд бўлмаганда Фруд сонининг қиймати $Fr = 0,5 \div 10,4$ тенг бўлиб, тўлиқ амалга ошадиган гидравлик сакраш рўй берди.

Тўртбурчак, учбурчак ва ярим ой шаклидаги энергия сўндиргичларни экспериментал қурилмада тадқиқот ишлари ўтказилди. Тадқиқот натижалари бўйича максимал даражада оқим энергиясини сўндирувчи конструкция қуйидаги 12 ва 13-расмларда келтирилди.



12-расм. ЭТ-2 да энергия сўндиргичларининг жойлашиши



13-расм. Экспериментал тадқиқотда ярим ой шаклидаги энергия сўндиргичлар


h_1, h_2, h_3, h_4 – сувнинг критик чуқурлиги, $\delta_1, \delta_2, \delta_3, \delta_4$ – энергия сўндиргич деворининг қалинлиги.

Олинган маълумотлар асосида сакраш узунлиги, туташ чуқурликлар кўриниши билан чегараланиб қолмай, сакраш рўй бераётган шароитда оқим тезлигини тақсимланиши тезликларнинг ўзгариши, оқим ювувчанлик қобилятини ўзгариши тахлил қилинди.


Экспериментал тадқиқотимизда натижалари асосида, сув ташлаш иншоотида оқим катта тезликда оқиб чиққанда асосан, ўзан тубига яқин соҳада ҳаракатланиш режимида пастки бьефдаги оқим билан туташини аниқланди.

Сув ташлаш иншоотида экспериментал моделдан аниқланган маълумотлар асосида, Фруд сонининг турли конструкцияли энергия сўндиргичларнинг ишлаши гидравлик шартлари режимларини таъсирини қийсий таққослаш графикларини келтириб ўтдик. Бу биринчи ҳолатда энергия сўндиргичлари мавжуд бўлмаган ҳолат, иккинчи ҳолатда энергия сўндиргичлари тўртбурчак шаклидаги ҳолат ва учинчи ҳолат ярим ой шаклидаги энергия сўндиргичлар ҳолатларни корреляция усулида таққослаш графиклари аниқланди.

Сув ташлаш иншоотида ҳаракатланаётган оқимнинг сув сарфи $Q_m = 18,16$ л/с бўлганда сув ташлаш қисмидаги энергия сўндиргичлар мавжуд бўлганда аниқланган Фруд сонинг қиймати $Fr = 0,38 \div 1,42$ тенг бўлиб, тўлқинсимон гидравлик сакраш рўй берди (14-расм).




14-расм. $Q_m=18,16$ л/с бўлганда сув ташлаш қисмидаги энергия сўндиргичлар мавжуд бўлган ҳолат




15-расм. $Q_m=18,6$ л/с бўлганда сув ташлаш қисмидаги энергия сўндиргичлар мавжуд бўлган ҳолат

15-расмда эса $Q_m = 18,6$ л/с сув сарфида сув ташлаш қисмидаги энергия сўндиргичлар мавжуд бўлмаганда Фруд сонининг қиймати $Fr = 0,4 \div 1,8$ тенг бўлиб, султ гидравлик сакраш рўй берди.

Энергия сўндиргич мавжуд бўлмаган, тўртбурчак ва ярим ой шаклидаги энергия сўндиргичлар билан олиб борилган экспериментал тадқиқотлар натижалари таққосланди ва энг самаралиси сифатида сўндиргич ярим ой шаклидаги танланди (16, 17-расмлар).



16-расм. $Q_m = 18,16$ л/с бўлганда таққослаш графикалари




17-расм. $Q_m = 18,6$ л/с бўлганда таққослаш графикалари

1-энергия сўндиргичлар мавжуд бўлмаган ҳолат; 2-тўртбурчак шаклидаги энергия сўндиргичлар; 3 - ярим ой шаклидаги энергия сўндиргичлар.

Тадқиқот натижаларини Д.И.Кумин тадқиқотида қабул қилинган конструктив схемалар билан солиштирилганда тўртбурчак энергия сўндиргичларга нисбатан қараганда Д.И.Кумин тадқиқотида қабул қилинган конструктив схемалари сувнинг кинетик энергиясини самарали сўндирди. Тадқиқот қилинган ярим ой шаклидаги энергия сўндиргичлар эса Д.И.Кумин энергия сўндиргичларига нисбатан 5-10% самарали ишлаши кузатилди (18-расм).

Fr Сув ташлаш иншоотида канал узунлиги бўйлаб Фруд таққослаш графиги



18-расм. Энергия сўндиргичларни Фруд сони орқали таққослаш графиги

Сув ташлаш иншооти сув ташлаш қисмидаги бурун ёрувчи энергия сўндиргичлари билан солиштирган тўртбурчак энергия сўндиргичларга қараганда сувнинг кинетик энергиясидан самарали сўндирди. Тадқиқот қилинган ярим ой шаклидаги энергия сўндиргичлар Н.Н.Беляшевский,

Н.Г.Пивовар, Н.И.Калантыренколар томонидан тадқиқот қилинган энергия сўндиргичларига нисбатан 10-22% самарали ишлаши аниқланди.

Хулосалар

«Сув ташлаш иншоотларида оқим энергиясини сўндириш усуллари» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди.

1. Олиб борилган назарий ва экспериментал тадқиқотлар таҳлилидан оқим ҳаракатида уюрмалар ҳосил бўлиши, оқимнинг ағдарилиши, кўп бўлимли сув ташлаш иншоотлари бўлимларининг кириш қисмидаги ҳаракатланувчи затворларни манёврлаш схемасини тўғри танланишига боғлиқлиги асосланди.

2. Кўп бўлимли сув ташлаш иншоотларида ҳамма бўлимлар очик ҳолатда ёки улар симметрик тарзда сув ташлаш амалга оширилганда бутун сув қуйилиш фронти кенглиги бўйлаб сув оқими ҳаракатланиб, тезлик ва сарф тақсимланиши бир маромда амалга ошиши тадқиқотлар натижалари билан асосланди.

3. Турли энергия сўндиргичларни таққослаш асосида сув ташлаш иншоотларида энергия сўндиргичларнинг самарали конструкцияси ишлаб чиқилди. Натижада сув ташлаш иншоотларининг сув урилма қудуғигача бўлган соҳасида сув оқими ортиқча кинетик энергиясини қисқа масофаларда сўндириш имкониятини яратилган.

4. ЭТ-1 ва ЭТ-2 вариант тадқиқотларида сув ташлаш иншоотининг қуйи қисмида тезлик ва солиштирма сарф қийматлари камайиши кузатилди. Тадқиқотлар давомида транзит оқимнинг солиштирма сарфи биринчи вариант тадқиқотларда 1,5-40%, иккинчи тадқиқотларида 2÷30% га, ўзан тубига яқин соҳада оқим тезлиги биринчи вариант тадқиқотларида 7-76% га, иккинчи вариант тадқиқотларида 5-83% га камайтириш имконияти яратилди.

5. Сув ташлаш иншоотидаги ярим ой шаклидаги энергия сўндиргичлар ўрнатилганда оқимнинг самарали гидравлик режими шаклланиши имконияти яратилган.

6. Энергия сўндиргичларнинг таққосланган вариантлар бўйича оқим ҳаракат режимини характерловчи параметрлар аниқланди. Ишлаб чиқилган ярим ой шаклидаги энергия сўндиргичлар Д.И.Кумин энергия сўндиргичларига нисбатан 5-10%, Н.Н.Беляшевский, Н.Г.Пивовар, Н.И.Калантыренколар томонидан тадқиқот қилинган энергия сўндиргичларига нисбатан 10-22% самарали ишлаши асосланди.

7. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида сув ташлаш иншоотларидаги энергия сўндиргичларнинг конструкциясини такомиллаштириш, улардаги оқимнинг гидравлик режимларини баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Самарқанд вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармасига қарашли Қоратепа сув омборида фойдаланишга тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 03/30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

НОРКУЛОВ БАХОДИР МУСУЛМАНОВИЧ

**МЕТОДЫ ГАШЕНИЯ ЭНЕРГИИ ПОТОКА ВОДОСБРОСНЫХ
СООРУЖЕНИЙ**

05.09.07- Гидравлика и инженерная гидрология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.1.PhD/T2015.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tiiame.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Базаров Дилшод Райимович
доктор технических наук, профессор

Рецензенты: Эшев Собир Саматович
доктор технических наук, профессор

Ганпаров Фуркат Ахматович
доктор технических наук, доцент

Ведущая организация: Ташкентский архитектурно-строительный институт

Защита диссертации состоится «11» ИЮНЯ 2021 года в 1400 часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.T.10.02 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (Адрес: 100000, г.Ташкент, ул. Кары-Ниязий, д. 39. Тел.: (+99871)-237-19-61; 237-22-09, факс: (+99871) 237-54-79; e-mail: admin@tiiame.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (зарегистрировано № 165). Адрес: 100000, Ташкент, Кары-Ниязий, 39, тел (+99871) 237-19-45.

Автореферат диссертации разослан «25» МАЯ 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 165 «25» МАЯ 2021 года).



Т.З.Султанов

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

А.А.Янгиев

Учёный секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

Э.Ж.Махмудов

Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философских наук (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире использование гасителей энергии, снижающих избыточную кинетическую энергию водного потока, занимает одно из ведущих мест в области сопряжения бьефов водосбросных сооружений водохранилищ, гидротехнических и гидроэнергетических сооружений. По всему миру гашение энергии потока воды на малых расстояниях водосбросных сооружений, предотвращение явления вихревого опрокидывания потока воды требует внедрения на практике эффективных гасителей энергии. В связи с этим, использование эффективных средств и устройств, снижающих избыточную кинетическую энергию водного потока водосбросных сооружений имеет особое значение.

В мире проводятся научно-исследовательские работы, направленные на разработку научно-обоснованных методик гашения кинетической энергии потока воды, выбору конструкций, гасящих энергию потока, устранению вихревых опрокидываний потока воды, сопряжению бьефов на водосбросных сооружениях. В этой связи, особое внимание уделяется определению относительных величин критических параметров расположения гасителей энергии, выбору конструктивных решений сооружений по гашению кинетической энергии потока воды на водосбросных сооружениях, определению гидродинамических напряжений потока воды в нижних бьефах сооружения, проведению новых экспериментальных исследований по сопряжению бьефов водосбросных сооружений, а также их научному обоснованию.

В нашей Республике осуществляются широкомасштабные мероприятия, и достигаются определенные результаты, направленные на гашение энергии водного потока на малых расстояниях, внедрению эксплуатационных мер по предотвращению явлений опрокидывания водного потока, совершенствованию конструкций энергогасящих сооружений с целью повышения уровня надежности и срока службы сооружений с учетом состава, структуры грунта нижнего бьефа водосбросных сооружений водохранилищ. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, намечены важные задачи по «...развитию мелиоративных и ирригационных объектов для повышения конкурентоспособности национальной экономики»¹. Для реализации данных задач, в том числе, с целью устойчивого и надежного обеспечения водой всех отраслей экономики ирригационного и сельскохозяйственного назначения, важное значение имеет развитие ирригации водного хозяйства, создание усовершенствованных конструкций гасителей энергии в водосбросных сооружениях, с учетом эффективного и рационального использования водных ресурсов.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и Постановлении от 25 сентября 2017 года № ПП-3286 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы охраны водных объектов», а также в других нормативно-правовых документах, касающиеся этой деятельности.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Настоящее исследование выполнено в рамках приоритетного направления V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

